

Ризқнинг қадри



14:34 / 18.12.2025 2151

Мен Ҳазратим Доктор Абдулхай Орифий қоддасаллоҳу сирроҳдан Ҳазрат Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳнинг бир воқеаларини эшитганман. Бир куни Ҳазрат касал бўлиб қолдилар. Шу аснода бир киши у зотга сут келтирди. Ҳазрат сутни ичдилар ва озгинаси ортиб қолди. Ортиб қолган сутни бош тарафларига қўйдилар. Шу орада Ҳазрат ухлаб қолдилар. Уйғонганларида ёнларида турган бир кишидан: «Биродар, озгина сут ортиб қолган эди. У қаерга кетди?» деб сўрадилар. У киши: «Ташлаб юбордим. Бор-йўғи бир қултум экан, холос», деди. Ҳазрат Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ хафа бўлдилар ва шундай дедилар: «Сен Аллоҳ таолонинг неъматини ташлаб юбордингми? Жуда ёмон иш қилибсан. Агар мен у сутни ича олмаган бўлсам, у ҳолда сен ўзинг ичиб қўйгин ёки бошқа бировга бергин, ҳеч бўлмаса, мушук ёки тўтига ичириш керак эди. Ўша бир қултум сут Аллоҳ таолонинг бирор махлуқи эҳтиёжига яради. Сен эса, уни

ташлаб юбординг?!».

Кейин бир усул-қоидани баён қилдилар: «Инсон ҳаёти давомида кўп фойда оладиган нарсаларнинг озгина миқдорини ҳам қадрлаши ва ҳурматлаши вожибдир». Масалан, инсон доимий таом истеъмол қилади. У билан очлигини кеткизади. Қорнини тўйғазади. Лекин ўша таомнинг озгина қисми ортиб қолса, ташлаб юбормаслиги, уни эъзозлаши, қадрлаши вожибдир. Уни исроф-зое қилиш жоиз эмас. Бу гапнинг асли ҳадисдан олинган. Унинг мазмуни бундай: «Аллоҳнинг ризқини асло қадрсиз қилманг. Уни бирор ўринга сарф қилинг».

Пул аслида роҳат эмас

Пул, бойлик аслида роҳатга сабаб нарса эмас. Пулнинг ўзи инсонга ором бера олмайди. Пул бўлсаю, лекин унда барака бўлмаса, роҳатга эмас, аксинча, азобга сабаб бўлади. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат асносида:

قُرْرِي فِي لِكْرَابٍ وَيُرَادِي فِي لِعَسْوَوِي بِنَدِي لِرْفَعَا مُلَلَا

«Аллоҳим! Гуноҳимни кечир, ҳовлимни кенг қил ва ризқимга барака бер», деб дуо қилганлар.

Имом Аҳмад ва Имом Насоий ривояти.

Эътибор қилинг, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ризқнинг кўп бўлишини сўрамадилар. Балки, «Аллоҳим! Менинг ризқимга барака ато қил», дедилар.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.